

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

**“СУРХОНДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

№ 230200

Р. Чориев *Компани Сурхондарё "И.С.Д.С."*

2022 ЙИЛ

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2022 йил "25" Дквбр

230200 -сон

Термиз тумани

"Сурхондарё ХЭТК" акциядорлик жамияти Термиз электр таъминоти корхонасида "низом" асосида фаолият юритувчи раҳбари Ш.Маматрахимов бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи Ф.Чориев Насефидин Сурхондори И.С.М.И. раҳбари Т.Османов (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),

хисоб раками Низом иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

Уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: Актив 33993 кВт.с. реактив — кВт.с. 2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўми, тариф бўйича 14999850 ташкил этади. УН Тўри Ш.М. тўғрисида тузилган тўқсан меҳнат сарфаси юз

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклаши ёзибсин) Башка сўми. 2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (манший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинди, давлат қисловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқларикорхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбалади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунг пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатиш хисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланиладиган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг ХЭТКнинг ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "25" санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ударнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ўзиш учун қўшиб борилади. *(6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронди истеъмолчилар тўлдирди)*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ўзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ўзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ўзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи jisмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (оддидан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сўманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси маҳсуе тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг _____ фоиздан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузди.

Агар "истеъмолчи" солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзини ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қуйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида "ХЭТК" томонидан мажбурий ундуровга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашуш хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бўғдан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРК 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чикиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсуғуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг посозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга қура кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғлавиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома, оғохлангириш хатларига ўз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дарҳол энерготаяминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғлавиш нуктасига) шунингдек бошқа биров реквизитлари ўзгарган ҳолда истеъмолчи дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Корхона ва «Ўзэнергоинспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка

тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр ҳужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур бўлганда истеъмолчининг огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчининг олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишини, пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун; захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчининг электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлиқ булмаган вазиятлар оқибатида мавжуд булган чеклаш киритилганда, "электр қурилмаларини тузилиши қондалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчида, томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) холда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи оддида жавобгар булмайд.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 ДЕКАБР гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан қучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Т. Чоркиев Ҳолмирадди Сурхайдаров Ш.С. Ш.С.

Юридик манзили Термиз А.Навоий йўли

Ҳисобрақами 400212602240170923000510003

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 203497592

Республика ва маҳаллий бюджетдан мазнавлантириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Бюджетдан ташқари фондининг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: _____ Факс: _____ e.mail: _____

(Истеъмолчининг, шу эҳволдан раҳбарининг усти, факс телефонлари коди электрон манзил этилади)

Кадастр № _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____ КФС _____

СООГУ _____ КОПФ _____

СОАТО _____ ОКПО _____

Корхона: Почта манзили: Термиз тумани Янгиҳаёт МФЙ

1. Актив энергияси учун: 22636000100427199410

Банк коди (МФО) 01045 СТИР (ИНН) 200475661

Телефонлар: _____ Факс _____

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ) 01013 МНОБТ (СОАТО) 172220

"Истеъмолчи":

М.У., илм, мансаби, Ф.И.Ш

ХУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси Термиз хуқуқшуноси Маматрахимов Ўз.Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монйилик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний қилишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Хуқуқшунос: М.У.



Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи II класс
2. Фаолият тури сиздан асбоблар
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (керакласи ёзилсин)

Йил, жами	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот қунига ишлайди 8 соат, ойга 26 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____

Истеъмолчи

М.Ў

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Қорхона



(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлар, тури ва қучланиш синфи (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисоблагич тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисоблагич номери	Ҳисоблагич клемма қопқоғидаги пломбанинг номери	Улчов трансформаторларининг трансформация коэффициентлари		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Шартнома тузиш санасига ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
				Ток	Қучла-ниш			
	815 X E	124200387031		200/5		40	00000000	450

Имзолар:

Истеъмолчи:

Корхона:



[Handwritten signature]



[Handwritten signature]

(Имзо)

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллиқ чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич № _____ т/ток _____ кучланиши _____ коэффициент _____ уланган қуввати _____ кет
Хисоблагичдан ўрнатилган манзил; _____

шахар, кфй, мфй, куча уй №

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____
Труба шил. чик, Шлакоблок, Гилит, Пленка шил. чик, Акфа цехи, Насос, Савдо, Кафе, Ойхона, Устахона ва...???

1. "Истеъмолчи" нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № _____ кВА

*н/е Чокчи 35/6 ф. 9 км ТП км 18/370 ммс
тилотчи уелмон*

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиқ чегараси *н/е Чокчи 35/6 ф. 9 км ТП км 18/370 ммс
тилотчи уелмон*

3. Улардан қуйидагиларга:

а) *Истеъмолчи Директор Электр уелмонига
Директор Чокчи* _____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) *ТЭТК Директорига бўлиқ ТП ва 2-директор
Директор Чокчи* _____

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса _____
томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: *н/е Чокчи 35/6 ф. 9 км ТП км 18/370 ммс
тилотчи уелмон*

Вакиллар:

Истеъмолчи

М.Ў.

Корхона

М.Ў.

(ИМЗО)



А. Расулбеков
(Ф.И.Ш.)

У. Дурдыев
(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича

2022 йил Апрель ойи буйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «31» Апрель 2022 йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табақалаштирилган тариф буйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошланғич	охирги			Эрта-лабки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун		
											соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
Жами													

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5; табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13*
гр 8 = гр 7*гр 4

Истеъмолчи раҳбари

Ф.И.Ш.имзоси



Корхона энергетиги

Ф. И. Ш.имзоси



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими
1. Компенсация қурилмаларининг белгилаанган қуввати

T/p №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан: Автоматик бошқариладиган.				
1.1.	1000 Вгача 1000 Вдан юқори, Қўлда бошқариладиган:				
1.2.	1000 Вдан юқори, Синхрон двигателлар - (СД), кВт СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
2.	Жами (1б +3б.) кВАр.				
3.	1000 Вгача				
4.	1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган таъминотчилар уланиш вақтларини тўлдирishi шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган киймат солиги ҳисобга олилмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иктисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив киймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонуни ҳужжатларида белгилаанган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгилаанган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган киймат солиги ҳисобга олилмаган ҳолда актив энергиянинг амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Истеъмолчи:

(ИМзо)

М.У.



Авариявий ва технологик брони аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМАИстеъмолчининг _____ ТЭТН _____ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки кичика муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкласини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик брониға тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилгани яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, усунанинг бузилиши, парташи, ёнгиш, захарланиши

ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик брониға шунингдек авария брониға тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қаранг.)

Технологик брони чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария брониға тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари шартини тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юкланиш остида қолдирилади.

б) Ёнгишга қарши захира насослар ва бошқа ёнгишга қарши агрегатлар авария брониға кирмайди (узибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

8 - илова

Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларининг урнатилган қуввати туғрисида
МАЪЛУМОТ

А. Трансформаторлар

Трасформаторлари и урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш пактида уртача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Қуввати (кВА)	Қучланиши (кВ)	Ток (А)	Киска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

Б. Бошқа ток қабул қилувчилар

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни ёритиш		Изох
Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	кВт	* Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

В. Узга субабонент истеъмолчилар

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгохи	Урнатилган қуввати (кВт, кВА)	Электр ҳисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изох



Имзолар:

